

**«JAHON SAVDO KOMPLEksi» AJ  
акциядорларининг  
10.08.2021 йилдаги навбатдаги  
умумий йиғилишида**

**ТАСДИҚЛАНГАН**

**«JAHON SAVDO KOMPLEksi» акциядорлик жамиятининг  
“КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТҮҒРИСИДА”ги  
НИЗОМИ**

**Андижон шаҳри 2021 йил**

## **МУНДАРИЖА**

I. Умумий қоидалар -----	3
II. Кузатув кенгашининг ваколатлари -----	3
III. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш, тайинлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш -----	5
IV. Кузатув кенгашининг раиси -----	6
V. Кузатув кенгашининг йиғилишлари -----	6
VI. Кузатув кенгаши аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятлари -----	7
VII. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги -----	8
VIII. Кузатув кенгаши аъзоларини тақдирлаш миқдорини аниқлаш тартиби -----	8
IX. Якуний қоидалар -----	9

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, бошқа қонунчилик хужжатлари, «JAHON SAVDO KOMPLEKSI» акциядорлик жамияти (кейинчалик Жамият) нинг устави, ва акциядорлик жамиятилари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича Комиссия йигилишининг 31.12.2015 йил 31 декабрдаги №9 сонли баёни билан тасдиқланган Корпоратив Бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, жамият кузатув кенгашининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини сайлаш, ҳамда уларнинг хукуқи ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ва уставда фақат акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

1.3. Вазифаларни кузатув кенгашининг аъзолари ўртасида ҳар бир учун аниқ тарзда тақсимлаш кузатув кенгаши раиси томонидан амалга оширилади.

## **II .КУЗАТУВ КЕНГАШИННИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

2.1. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига қўйидагилар киради:

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисботини мунтазам равишда эшлитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чақириш, бундан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

умумий йигилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани белгилаш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, раҳбарларини сайлаш(тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тутгатиш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

корпоратив котибни тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисботларини эшлитиб бориш;

аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг

эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқини химоя қилиш тўғрисида”ти қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг устав фондини эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;

акцияларни жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиккан ҳолда белгилаш;

акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;

эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига (қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага) ўзгаришилар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун кўрик асосида мустақил ташкилотни жалб қилиш;

жамият ўзи жойлаштирган акцияларни уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиши мақсадида қарор қабул қилиш.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

2.2. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий қилиш учун Кузатув кенгаши куйидагиларни амалга оширади:

жамиятнинг ижроия органи, ички назорат органлари, коллегиал ижро этувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур бўлган холатларда жамиятни ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш жараёнини мониторингни олиб бориш учун эксперталарни жалб қилиш;

акциядорлик жамиятининг ташкилий тизимини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва уни қонунчилик талабларига мослигини мунтазам баҳолаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, хамда йиллик молиявий хисботларни молиявий хисботларнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилинишини таъминлаш;

корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий қилиниши устидан назорат қилиш.

2.3. Жамият кузатув кенгаши ваколатларига қонунчилик ва жамият низомига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш хам киритилиши мумкин.

2.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

### **III. КУЗАТУВ КЕНГАШ АЎЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН АВВАЛ ТЎХТАТИШ**

3.1. Жамият кузатув кенгашининг аЎзолари қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий юнилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

3.2. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби жамият устави билан белгиланади.

3.3. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиси мумкин.

3.4. Жамият бошқарув раиси, ижроия органи аЎзолари ва айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиси мумкин эмас.

3.5. Акциядор ўзгарган, кузатув кенгаши аъзоси томонидан ўз мажбуриятларини бузиш холатлари юз берган, кузатув кенгашининг тегишли аризаси бўлган ва бошқа асосларга кўра кузатув кенгаши аъзосининг ваколатлари муддатидан аввал тугатилиши мумкин.

3.8. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган номзодлар олий маълумотли ҳамда камида икки йил иктиносидий тармоқ соҳаларида амалий (шу жумладан, ўриндошлик бўйича) иш стажига эга бўлиши ва корпоратив бошқарувчи малака аттестатига (давлат улуши бўйича) ва/ёки корпоратив бошқарув илмий таълим марказининг махсус дастури бўйича ўкув курслаирни тамомлаганлик тўғрисидаги давлат сертификатига эга бўлган бўлишлари шарт, қуидагилар бундан мустасно:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорларига асосан хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги давлат улуши бўйича давлатнинг ишончли вакиллари ва кузатув кенгаши аъзолари сифатида номма-ном (лавозими бўйича) тайинланадиган шахслар;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ташқари давлат органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари.

Жамиятнинг устав капиталидаги давлатга тегишли бўлмаган акциялар бўйича жамият кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар Корпоратив бошқарув илмий таълим марказининг корпоратив бошқарувчи малака аттестати ёки махсус дастури бўйича ўкув курслаирни тамомлаганлик тўғрисидаги сертификатга эга бўлган бўлишлари лозим.

3.9. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.10. Кумулятив овоз беришда хар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайлананиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга хақли.

3.11. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб хисобланади.

3.12. Миноритар акциядорлар хуқуқларини химоя қилиш мақсадида назорат пакети эгаси бўлган акциядор кузатув кенгаши таркиби жамият умумий акциялари сонига мутаносиб равишда номзод киритади. Яъни жамият Кузатув кенгаши аъзолари сони 7 киши бўлганда назорат пакети акцияси эгаси кузатув кенгаши таркиби энг кўпи билан 4 аъзо киритишга хақли.

#### **IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ**

4.1. Жамият кузатув кенгаши раиси кузатув кенгаш аъзолари томонидан унинг таркибидан кузатув кенгашга сайланган (тайинланган) аъзолар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

4.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга хақли.

4.3. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

4.4. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

#### **V. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИНГ МАЖЛИСИ**

5.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг), ижроия органи, шунингдек йиғма холда жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг бир фоизидан кам бўлмаган улушга эга бўлган акциядор (акциядорлар) нинг талабига кўра чакирилиши мумкин;

5.2. Кузатув кенгаши мажлиси кузатув кенгаши раиси томонидан чақирилади ва қоидага кўра, чорақда камида бир марта ўтказилади. Мажлисда қуида келтирилган масалалари албатта кўриб борилиши лозим:

- жамият бизнес режасининг бажарилишининг бориши, жамиятнинг ривожланиш истиқболига эришиш учун қўлланилаётган чоралар, жамият таркибига кирган корхоналар фаолияти бўйича қилинганд ишлар ва уларнинг бизнес-режаларида белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши, ҳамда жамиятнинг бошқа ички хужжатлари юзасидан ижроия организининг хисботини;

- ички аудит хизмати хисботини;

- жамиятда аффилланган шахслар билан битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, қонунчиликка риоя қилиниши ва шундай битимларни тузиш борасидаги жамиятнинг ички хужжатлари тўғрисидаги тафтиш комиссиясининг хulosаларини.

5.3. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

5.4. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилишга хақлидир.

5.5. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, мажлисда хозир бўлгандарнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган масалалар бундан мустасно. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар хал этилаётганда кузатув кенгашининг хар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг хал қилувчи овоз хукуқига эга.

5.6. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл кўйилмайди.

5.7. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

5.8. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда хозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришига кўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

5.9. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

5.10. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзолangan куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор хақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказилдиган куни топширилади.

5.11. Кузатув кенгашининг мажлислиари тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати ва ижроия органининг хисоботлари тингланадиган холатлардан ташқари сиртдан овоз бериш йўли (сўров йўли) билан ўтказилиши мумкин. Бунда кузатув кенгашининг қарорлари жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Техник имкониятлар ва кузатув кенгаши аъзоларини идентификация қилишни таъминловчи бошқа техник воситалар мавжуд бўлганида кузатув кенгашининг йиғилишлари видеоконференца алоқа усулида ўтказилиши мумкин.

## VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги хукуқларга эга:

кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда мухокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

кузатув кенгаши қарорига кўра муайян даврда акциядорлик жамиятининг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;

кузатув кенгашида ишлаганлик учун қонунчилик ва жамият ички хужжатларида белгиланган тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг қопламаси (компенсацияси)ни олиш;

қонунчилик ва жамият уставидан назарда тутилган бошқа хукуқлар;

кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, акциядорлик жамияти ходимлари ва жалб қилинган эксперtlар (тегишли ихтиносликлар бўйича мутахасислар, олий ўқув юрти ўқитувчилар таркиби) ни жалб қилган холда қўмиталар (ишчи гурухлар) ташкил қилиш, шу жумладан низоли холатлар, аудит, кадрлар ва бошқалар бўйича қўмита (ишчи гурух).

6.2. Кузатув кенгаши аъзоларининг мажбуриятлари:

жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим хақидаги маълумотларни, шу жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг мухим шартларини батафсил кўрсатган холда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиш;

ўзининг лавозим мажбуриятларини халол, шунингдек акциядорлик жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб хисоблайдиган усул билан амалга ошириш;

қонунчилик ва жамият уставидан назарда тутилган бошқа мажбуриятлар.

6.3. Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлик жамияти имконияти (мулкий ва номулкий хукуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, АЖ нинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш хукуқига эга эмас.

## **VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. Кузатув кенгаши аъзолари ўз хукуқларидан фойдаланиш ва мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларидан келиб чиқиб харакат қилишлари лозим ва қонунчилик хамда жамият уставига мувофиқ зиммасига жавобгарликни оладилар.

7.2. Агар жавобгарлик бир неча шахсга юклатилаётган бўлса, улар жамият олдида солидар жавобгар хисобланадилар.

7.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, бундан Конуннинг 90-моддасида белгилangan ҳоллар мустасно.

7.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган заарларнинг ўринини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

## **VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

8.1. Кузатув Кенгаши аъзоларига жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ва молиявий хўжалик фаолиятини баҳолаш натижаларига кўра тақдирланади.

8.2. Жамият хар ойда (хар чорақда, хар олти ойда, йилда) бошқарув тизими ва молиявий хўжалик фаолиятини мустақил баҳоланишини ўтказиб боради.

8.3. Мустақил баҳолаш натижалари кузатув кенгаши раиси ва уларнинг аъзоларини тақдирлаш микдорини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

8.4. Мустақил баҳолаш ташкилот томонидан берилган хуносага мувофиқ кузатув кенгашининг фаолият натижалари коникарсиз, паст, қониқарли ва юқори деб эътироф этилиши мумкин.

8.5. Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳаражатларининг ўрни қоплаш учун кузатув кенгаши раисига аъзосига хар ойда Ўзбекистон Республикасида белгилangan меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг 2 (икки) баробари, кузатув кенгаши аъзоларига Ўзбекистон Республикасида белгилangan меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг 1,5 (бир ярим) баробаридан кам бўлмаган микдорда амалга оширилади.

Яъни 10.08.2021 йил холатига:

1. Кузатув кенгаши раисига  $747\ 300 \times 2 = 1\ 494\ 600$  сўм
2. Кузатув кенгаши аъзоларига  $747\ 300 \times 1,5 = 1\ 120\ 950$  сўм миқорида хар ойда ҳақ тўланади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ҳукуматнинг тегишли қарорларига асосан Ўзбекистон Республикасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдори ўзгарса, у ҳолда жамият кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган юқоридаги хисоблаш микдори хам ўзгаради.

8.6. Ушбу Низомнинг 8.5.-бандида кўрсатилган тўловлар жамият ишлаб чиқариш фонди ва даромадлари хисобидан амалга оширилади.

## **IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

9.1. Кузатув кенгаши аъзоларини керакли маълумотлар, хамда уларни акциядорлар ва инвесторлар билан алоқасини таъминлаш учун масъул бўлиб акциядорлар билан корпоратив муносабатлар Бошқармаси (бўлими) ёки қимматли қофозлар бўйича мутахассис ёки корпоратив котиб масъул бўлиб хисобланади.

9.2. Ушбу Низом талабларини бузишда айбланган шахслар белгилangan тартибга жавобгарликка тортиладилар

9.3. Агар ушбу Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги қонунчилиги ва (ёки) жамият уставига зид келиб қолса, ушбу моддалар ўз қучини йўқотган деб хисобланади, хамда ушбу моддалар бўйича тартибга солинаётган масалаларни хал қилишда ушбу

Низомга тегишли ўзгаришилар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг харакатдаги қонунчилиги ва (ёки) жамият уставида белгиланган холатларга таяниб иш олиб борилади.